XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI

171400. Xo'jaobodshahar, Uzunko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2023 - yil 12 - yanvar VI-33-3-1-27-K/23 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод тумани Қурама маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўча номини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегаларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2014 йил 4 март кунги 48-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрель кунги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-350-сонли Қонунининг 5, 10, 25, 27, 31-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 21 ва 25-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи туман комиссиясининг 2022 йил 26 августдаги **"Хўжаобод туманидаги Қурама маҳалла фуқаролар йиғинидаги Атиргул номли кўча номини ўзгартириш тўғрисида"**ги йиғилиш баёни, "Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими раиси"нинг 2022 йил 25 октябрь кунги № 92/1-сонли хати ва Хўжаобод тумани Қурама маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаш аъзоларининг шу ҳақдаги 2022 йил 1 августдаги № 8 сонли йиғилиш баённомаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. **"Қурама"** маҳалла фуқаролар йиғинидаги **"Атиргул"** номини

“Абдулла Қодирий” кўчаси номига ўзгартириш бўйича таклифлари ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фикрлари маъқуллансин.

3. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.**Мадрахимов)га**:

-ҳудудидаги кўча номига ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Сайдолимов) зиммасига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси **У.Шукуров**